

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛИНИ ПРОГНОЗЛАШ

Абдувалиев Асрор Абдусолиевич

СамИСИ мустақил изланувчиси

**Абдурахмонова Барчиной Мусулмон кизи, Тоштурдиева Гавҳар Рашид кизи,
Уралова Сарвиноз Сирожиддин кизи**

3-курс талабаси

ARTICLE INFO.

Калит сўзлар:

Қашқадарё вилояти, туризм салоҳияти, прогнозлаш, тренд моделлар, асосий кўрсаткичлар, динамикаси, таҳлил, Gretl дастури.

Аннотация

Мақолада Қашқадарё вилоятининг туризм салоҳиятини ривожлантириш истиқболлини прогнозлаш тренд моделлари ишлаб чиқилган. Унда Қашқадарё вилоятининг туризм салоҳиятини ривожлантириш бўйича асосий кўрсаткичларнинг 2013-2021 йиллардаги динамикаси таҳлили келтириб ўтилган.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2022 LWAB.

Кириш. Бугун бутун дунё назари Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияни амалга оширишга қаратилгандир. Стратегиянинг “Миллий иқтисодиётни ривожлантириш, унинг ўсиш суръатларини замон талаблари даражасида таъминлаш”га бағишланган устувор йўналишида маҳаллий сайёҳлар сонини 12 миллион нафардан ошириш ҳамда республикага ташриф буюрадиган хорижий туристлар сонини 9 миллион нафарга етказиш¹ вазифаси қўйилган. Ушбу вазифанинг бажарилиши макро даражада туризм соҳасини ривожлантириш, ЯИМдаги улушини ошириш, аҳолини янги иш ўринлари билан таъминлаш мақсадида, рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадал лаштириш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Туризмни ривожлантириш прогнози алоҳида минтақа ва умуман мамлакат иқтисодиёти ва ижтимоий соҳани ривожлантириш прогнозининг ажралмас қисми ҳисобланади. Иқтисодиётнинг ривожланиш даражаси ва туризм соҳаси ўртасидаги ўзоро боғлиқлик, айрим тармоқларнинг ўсиш суръатларини рағбатлантириш орқали аҳоли турмуш даражасининг ўсишига олиб келади ва потенциал истеъмолчиларнинг тўлов қобилияти ҳамда туризм хизматларига талабнинг ошишига ёрдам беради.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Туризм соҳасини ривожлантириш ҳамда туризм соҳасига

¹https://www.norma.uz/qonunchilikda_yangi/2022-2026_yillarga_muljallangan_yangi_uzbekistonning_taraqqiet_strategiyasi_tasdiqlandi

ахборот коммуникация технологияларини жорий қилишнинг назарий-методологик жиҳатлари қўллаб хорижлик олимлар: А.Ю.Александрова, И.Т.Балабанов, М.А.Жукова, М.Б.Биржаков, Ю.А.Барзикин, Н.И.Кабушкин, Р.В.Колотова, А.С.Самардак, В.А.Квартальнов, Т.А.Ципилева, А.Д.Чудновский, Ф.Шерер, А.Б.Косолапов, И.Я.Барлиани ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган. Ушбу муаммоларни ўрганишга Ўзбекистонлик олимлардан К.Х.Абдурахмонов, М.Қ.Пардаев, И.С.Тухлиев, Н.Т.Тўхлиев, М.М.Мухаммедов, Б.Н.Наврўз-зода, Т.Досчанов, Д.Х.Асланова, О.Х.Ҳамидов, А.А.Эштаев, Б.Ш.Сафаров, М.Т.Алимова, М.Т.Алиева, А.Н.Норчаев ва бошқаларнинг илмий ишлари бағишланган.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида статистик маълумотларга асосланган моделлаштириш ҳамда прогнозлаш усуллари қўлланилган. Бунда абстракциялаш, иқтисодий таҳлил, монографик кузатув, қиёслаш, индукция ва дедукция каби тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Ушбу мақоламизда Қашқадарё вилоятининг туризм салоҳиятини ривожлантириш имкониятлари бўйича асосий кўрсаткичларнинг прогнозини амалга оширдик. Бунинг учун қуйидаги кўрсаткичларни танлаб олдик:

ΣXK - Жами хизмат кўрсатилганлар сони;

TC_{1k} - Бир кунлик ташриф буюрувчилар;

TT_c - Тунаб қолувчи ташриф буюрувчилар;

$СЙ_c$ - Сотилган сайёҳлик йўлланмалари сони;

TK_c - Тунаб қолишлар сони.

Қашқадарё вилоятининг туризм салоҳиятини ривожлантириш бўйича асосий кўрсаткичларнинг 2013-2021 йилладаги ўсиш динамикаси қуйидаги жадвалда келтирилган (1-жадвал).

1-жадвал. Қашқадарё вилоятининг туризм салоҳиятини ривожлантириш бўйича асосий кўрсаткичларнинг 2013-2021 йилладаги ўсиш динамикаси (%)

№	Йиллар	Кўрсаткичлар				
		ΣXK	TC_{1k}	TT_c	$СЙ_c$	TK_c
1	2	3	4	5	6	7
1	2013	100	100	100	100	100
2	2014	92,2	71,2	94,9	25,0	90,1
3	2015	116,0	77,7	120,9	20,5	102,9
4	2016	148,1	94,0	155,0	118,5	122,8
5	2017	151,7	89,2	159,8	84,6	75,5
6	2018	160,2	125,0	164,8	100,9	90,8
7	2019	163,5	120,6	169,0	148,4	94,7
8	2020	57,1	21,7	61,7	24,8	46,4
9	2021	81,4	62,2	83,9	71,0	71,0

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2015-2019 йилларда жами хизмат кўрсатилганлар сони ҳамда тунаб қолувчи ташриф буюрувчилар сонидан барқарор ўсиш, қолган кўрсаткичларда эса нотекс ўсиш тенденциялари кузатилган. Хусусан, 2015-2019 йилларда жами хизмат кўрсатилганлар сони 63,5 % га, бир кунлик ташриф буюрувчилар сони 20,6% га, тунаб қолувчи ташриф буюрувчилар осни 69,0 % га, сотилган сайёҳлик йўлланмалари сони 48,4% га ошганлигини кўришимиз мумкин. Аммо, тунаб қолишлар сони эса 2013 йилга нисбатан 2019 йилда 5,3% га камайган.

2020 йилда глобал пандемия туфайли жорий қилинган карантин тадбирлари туфайли барча кўрсаткичларда пасайиш кузатилган, жумладан жами хизмат кўрсатилганлар сони 42,9% га, бир кунлик таширф буюрувчилар сони 78,3%га, тунаб қолувчи таширф буюрувчилар сони 38,3% га, сотилган сайёҳлик йўлланмалари сони 75,2 %га ва тунаб қолишлар сони 53,6%га пасайганлигини кўришимиз мумкин. 2021 йилга келиб карантин қоидаларининг юмшатилиши ва туризм соҳасини ривожлантириш бўйича яратилаётган имкониятлар натижаси ўлароқ олдинги йилга нисбатан ўсиш тенденцияларига эришилган.

Қашқадарё вилоятининг туризм салоҳиятини ривожлантириш бўйича асосий кўрсаткичларнинг ўзгариш тенденциясини баҳолаш учун тренд моделлардан фойдаланамиз. Қуйида ҳар бир кўрсаткич бўйича курилган тренд моделлари келтирилди (2-жадвал)

2-жадвал. Қашқадарё вилоятининг туризм салоҳиятини ривожлантириш бўйича асосий кўрсаткичларни баҳолаш ва прогнозлаш учун тренд моделлари²

№	Модел	t-статистика	Детерминация коэффициенти
1.	$\sum \text{ХК} = 7864,60 + 5040,89t - 57308,7 * D$	$a_0=2,245$ $a_1=13,92$ $a_2=-9,583$	$R^2=0,93$
2.	$\text{ТС}_{1к} = 1279,92 + 371,576t - 5093,49 * D$	$a_0=3,028$ $a_1=8,501$ $a_2=-7,059$	$R^2=0,85$
3.	$\text{ТТ}_c = 13789,3 + 4127,74t - 49942,2 * D$	$a_0=3,868$ $a_1=11,20$ $a_2=-8,207$	$R^2=0,90$
4.	$\text{СЙ}_c = 29,3715t - 299,656 * D$	$a_1=4,350$ $a_2=-2,688$	$R^2=0,84$
5.	$\text{ТҚ}_c = 80829,3 - 8135,50t - 94213,4 * D$	$a_0=7,042$ $a_1=5,564$ $a_2=-4,808$	$R^2=0,87$

Бу ерда: $\sum \text{ХК}$ – жами хизмат кўрсатилганлар сони, $\text{ТС}_{1к}$ – бир кунлик таширф буюрувчилар сони, ТТ_c - тунаб қолувчи таширф буюрувчилар сони, СЙ_c - сотилган сайёҳлик йўлланмалари сони, ТҚ_c - тунаб қолишлар сони, t – трендни ифодалайди, D – дитту ўзгарувчи 2020 йилдан ҳисобланади³

Тузилган моделлар адекватликга текширилди ва маълум мезонлар асосида уларнинг адекват эканлигини кўришимиз мумкин.

3-жадвал. Қашқадарё вилоятининг туризм салоҳиятини ривожлантириш бўйича асосий кўрсаткичларнинг 2013-2021 йиллардаги динамикаси⁴

№	Йиллар	Кўрсаткичлар				
		$\sum \text{ХК}$	$\text{ТС}_{1к}$	ТТ_c	СЙ_c	ТҚ_c
1	2	3	4	5	6	7
1	2013	55966	6408	49558	448	174081
2	2014	51615	4562	47053	112	156866
3	2015	64918	4982	59936	92	179096

² Муаллиф томонидан Gretl дастурий пакетида ҳисобланган

³ Моделлардаги барча ўзгарувчиларнинг белгиланиши муаллиф томонидан киритилган

⁴Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг тегишли йиллар бўйича маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинган.

4	2016	82859	6026	76833	531	213789
5	2017	84914	5719	79195	379	131509
6	2018	89674	8011	81663	452	158091
7	2019	91487	7728	83759	665	164886
8	2020	31978	1391	30587	111	80808
9	2021	45565	3987	41578	318	123576

3-жадвал маълумотларига кўра моделлаштириш натижалари минтақада туризм тармоғида жами хизмат кўрсатилганлар сонининг ўзгариши 2019 йилгача барқарор ўсиш тенденциясига эга бўлиб, сўнги 2 йилда ушбу кўрсаткич бўйича тебраниш суръатининг ошиши кузатилади. Жами хизмат кўрсатилганлар сони ўзгаришининг 93 фоизи вақтга боғлиқ тренддан иборат эканлигини кўришимиз мумкин. Жами хизмат кўрсатилганлар сони вақт кесимида ўртача 5040 нафарга ошиб борганлигини кўриш мумкин. Бу тенденция фақат 2019 йилгача бўлган давр учун тегишли бўлиб, 2020 йилдан хизмат кўрсатилганлар сони 57308,7 бирликга камайиши кузатилади.

Қолган кўрсаткичлар бўйича ҳам айтиш мумкин, барча кўрсаткичлар вақт бирлигига сезиларли даражада боғланган, 2020 йилдан бир кунлик ташриф буюрувчилар сони 5093 бирликга, тунаб қолувчи ташриф буюрувчилар сони 49942 бирликга, сотилган сайёҳлик йўлланмалари сони 300 бирликга, тунаб қолишлар сони 94213 бирликга камайган. Шунингдек, бугунги барқарорлашув жараёнида Қашқадарё вилоятининг туризм салоҳиятини ривожлантириш бўйича асосий кўрсаткичларида тузилган модел натижаларига асосан ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда. Буни ушбу кўрсаткичларнинг прогноз қийматларидан ҳам кўриш мумкин (3.5-жадвал).

4-жадвал. Қашқадарё вилоятининг туризм салоҳиятини ривожлантириш бўйича асосий кўрсаткичларнинг прогнози (2022-2027 йиллар учун)⁵

Прогноз даври	Асосий кўрсаткичлар				
	ΣХК	ТС _{1к}	ТТс	СЙ _с	ТҚ _с
2022	46333	3246	42274	258	112099
2023	51374	3618	46402	288	118703
2024	56415	3989	50530	317	125307
2025	61455	4361	54657	347	131912
2026	66496	4733	58785	376	138516
2027	71537	5104	62913	405	145120
2027 йилда 2021 йилга нисбатан ўсиш (нисбатда)	1,57	1,28	1,51	1,27	1,17
Ўртача ўсиш суръати (%)	107,8	104,2	107,2	104,1	102,7

Юқорида келтирилган (4-жадвал) моделлар ёрдамида ҳисобланган прогноз натижаларига кўра жами хизмат кўрсатилганлар сонининг ўртача ўсиш суръати 107,8 фоизни ташкил этмоқда. Шунингдек, ўртача ўсиш суръати бир кунлик ташриф буюрувчилар сони учун 104,2 фоизга, тунаб қолувчи ташриф буюрувчилар сони учун 107,2 фоизга, сотилган сайёҳлик йўлланмалари сони учун 104,1 фоизга, тунаб қолишлар сони учун 102,7 фоизга тенг бўлмоқда.

Прогноз бўйича 2027 йилда 2021 йилга нисбатан ўсиш нисбати жами хизмат кўрсатилганлар ҳамда тунаб қолувчи ташриф буюрувчилар сонидан юқори, яъни мос равишда 1,57 ва 1,51 баробарга тенг, аксинча, бир кунлик ташриф буюрувчилар, сотилган сайёҳлик йўлланмалари, тунаб қолишлар сонидан бу кўрсаткич нисбатан пастлигича қолмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, минтақада жами хизмат кўрсатилганлар ҳамда тунаб қолувчи

⁵ Муаллиф томонидан Gretl дастурий пакетида ҳисобланган

ташриф буюрувчилар сонининг ортиш мойиллиги даражасининг юкори эканлигидан келиб чикиб, маданий-маънавий тадбирлар доирасида ташриф буюрувчи туристлар оқимини кенг жалб қилиш туризм объектларини кўпайтириш, ўз ўрнида бир кунлик ташриф буюрувчилар, сотилган сайёҳлик йўлланмалари сонини оширишнинг амалий механизмларини такомиллаштириш зарур. Чунки, юкорида танланган барча кўрсаткичлар ўзаро кучли эконометрик зичликни ҳосил қилиб тўғри пропорционал ўсиш суръатига эга.

5-жадвал. Кирувчи туристлар сонининг геоахборот тизимини қўллаш билан боғлиқ кўрсаткичлар⁶

Йиллар	Кирувчи туристлар, минг киши, (Y)	Ахборот-коммуникация технологиялари иштирокида яратилган хизматлар ҳажми, млрд. сўм (X ₁)	Маълумотлар узатиш тармоғига уланган мижозлар сони, млн. киши (X ₂)	Тармоқ ва соҳаларда фойдаланилаётган махсус дастурий воситалар сони, бирлик (X ₃)	Провайдерлар тармоғида жойлашган веб-сайтлар сони, бирлик (X ₄)
2011	1395,0	1327,2	10,6	5273	4757
2012	1895,0	2056,1	12,9	5711	5473
2013	1969,2	2905,4	15,7	5937	6242
2014	1862,1	4092,3	17,4	6289	7349
2015	1918,4	4792,2	18,3	6311	8101
2016	2027,0	6207,9	19,5	5884	7570
2017	2690,0	8440,8	20,3	6162	8261
2018	5346,8	12077,5	21,2	6419	8437
2019	6748,0	15917,9	22,1	6721	8713
2020	1300,0	17329,4	23,8	6896	8926

Бугунги кунда рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида ахборот-коммуникацион технологияларидан фойдаланиш даражасининг ошиши туризм соҳасини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Туризм соҳасини рақамлаштиришда геоахборот тизимларидан фойдаланиш юкори самарадорликни таъминлайди. Туристлик ҳудудларнинг салоҳияти, туристик жозибадорлиги, туристик ресурсларининг маълумотлари базаси

Хулоса ва таклифлар

Юкоридагилардан хулоса ўрнида айтиш мумкинки, минтақада жами хизмат кўрсатилганлар ҳамда тунаб қолувчи ташриф буюрувчилар сонининг ортиш мойиллиги даражасининг юкори эканлигидан келиб чикиб, маданий-маънавий тадбирлар доирасида ташриф буюрувчи туристлар оқимини кенг жалб қилиш туризм объектларини кўпайтириш, ўз ўрнида бир кунлик ташриф буюрувчилар, сотилган сайёҳлик йўлланмалари сонини оширишнинг амалий механизмларини такомиллаштириш зарур. Чунки, юкорида танланган барча кўрсаткичлар ўзаро кучли эконометрик зичликни ҳосил қилиб, тўғри пропорционал ўсиш суръатига эга.

REFERENCES:

1. O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasining tegishli yillar bo'yicha ma'lumotlari asosida muallif tomonidan hisob-kitob qilingan.
2. Ashurova, M. M. (2022). Python dasturlash tili yordamida o'quvchilarga o'quv-didaktik materiallar yaratish va ulardan foydalanish metodikasi. Экономика и социум, 3(94), 50-54.

⁶ Ўз. Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлабчиқилган

3. Ашуров, М. У., Ашурова, М. М., Жумабаев, Р. Б., & Тождидинова, Д. Ф. (2016). Академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиланинг дастурлаш кўникмаларини шакллантириш. In *Конференция* (Vol. 2, No. 2, pp. 96-97).
4. Нормуродов, Ч. Б., Бабаходжаева, Н. М. (2022). Визуализаторы алгоритмов как эффективное средство информационных технологий в образовании. *Международный журнал инновационные технологии в образовании*, 2(1), 11-24.
5. Бабаходжаева, Н. М. (2020). Алгоритмлар назарияси фанини ўқитиш сифатини дастурий-методик мажмуа воситасида такомиллаштириш. *Современное образование (Узбекистан)*, (10 (95)), 25-31.
6. Тухтаева, Н. Р., Зиякулова, Ш. А., Бабаходжаева, Н. М. (2020). Преподавание предмета Теория алгоритмов посредством программно методического комплекса. *Modern education systems in the USA the EU and the Post-Soviet countries*, 1(1), 194-196.
7. Бабаходжаева, Н. М. (2020). Творческие задачи с использованием информационных технологий по предмету теория алгоритмов. *Increasing the innovative activity of the youth raising their morale and achievements in science*, 2(6), 216-220.
8. Нормуродов, Ч. Б., Бабаходжаева, Н. М. (2020). Алгоритмлар назарияси фани ва уни ахборот технологиялари воситасида ўқитиш. *Инновацион ривожланиш нашриёт – матбаа уйи*, 1(1), 163.
9. Narmuradov, C. B., & Babakhodjaeva, N. M. (2020). Teaching the subject of «Algorithm theory» by means of the software and methodological complex. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 2(3), 505-510.
10. Babakhodjayeva, N. M. (2020). Program-methodological complex as a means of improving the quality of learning in higher educational institutions. *Theoretical & Applied Science*, (7), 166-171.
11. Бабаходжаева, Н. М. (2019). Аниқ фанларни ўқитишда ахборот технологиялари воситаларини қўллашнинг хусусиятлари. *Педагогика ва психологияда инновациялар*, (4).
12. Бабаходжаева, Н. М. (2010). Интерактивный учебно-методический комплекс в поддержку предмета Теория алгоритмов. *Узбекский журнал Проблемы информатика и энергетики*, 1(10), 81-87.
13. Zaripova, M., Babakhodjaeva, N. (2019). Using the electronic educational-methodical complex in development quality of teaching the subject Theory of algorithm. *International Journal of Academic Research*, 1(2), 34-36.
14. Усманов, И. И. (2016). Основные требования к качеству дизельных топлив. *Высшая школа*, (12-2), 64-65.
15. Усманов, И. И. (2016). Состояние и перспективы регионального сотрудничества в области электроэнергетики. *Высшая школа*, (12-2), 62-63.
16. Eshmuminov, A. (2019). Problems of creating national corpus of the uzbek language. level of synonyms. *Theoretical & Applied Science*, (5), 47-50.
17. Eshmuminov, A. (2022). The study of the meronymic phenomena in linguistics. *Барқарорлик ва етакчи тадқиқотлар онлайн илмий журнали*, 2(4), 265-266.
18. Asqar, E. M. (2022). О ‘ZBEK BADIY MATNLARIDA SPORTCHI LISONIY SHAXSI RUHIYATINING IFODALANISHI.
19. Eshmuminov, A. (2022). Implementation of maydon’s theory in linguistics. *International Scientific Journal Theoretical & Applied Science*, 5(102), 468-470.

20. Eshmuminov, A. (2022). Semantik razmetka tushuncha vosita va usullar. *Til va adabiyot ta'limi*, 1(10), 34-35.
21. Eshmuminov, A. (2022). Semantic system: concepts, means and methods. *Science and Education*, 3(5), 1891-1895.
22. Eshmuminov, A. (2022). Requirements for the content of the interface of the linguistic base of taxonomical lexemas for Uzbek language corporations. *Science and Education*, 3(5), 1896-1900.
23. Eshmuminov, A. (2021). Korpusda razmetka va uning xususiyatlari. *Til va adabiyot ta'limi*, 1(10), 28-30.
24. Eshmuminov, A. (2021). Progressive development of corporate linguistics in the world and Uzbek linguistics. *International Scientific Journal Theoretical & Applied Science*, 10(102), 439-442.
25. Babakhodjayeva, N. M. (2020). Visualizers of algorithms as effective means of information technologies in education. *EPRA International Journal of Multidisciplinary Research*, 6(9), 421-425.